

Истиффор ва дуони лозим тутинг!



10:50 / 18.01.2022 3477

Кўпчилик одамлар, “ишим юришмаяпти”, “қарзим кўп”, “омадим келмаяпти”, “касаллик аримаяпти”, “муаммодан бошим чиқмаяпти” деб нолийди.

Ваҳоланки, шариатда бу борада ҳамма кўрсатмалар келган.

Хусусан, бошига ташвиш тушган одам намозларга эътиборлироқ бўлади. Кўпроқ нафл намозлар ўқиб, Аллоҳдан мадад сўрайди.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларига бирон юмуш тушса, дарров намоз ўқишга чоғланардилар.

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган.

Қолаверса, иши юришмаётган одам кўпроқ истиғфор айтади. Зеро, **Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Кимда-ким кўп истиғфор айтса, Аллоҳ ўша (банда) учун ҳар қандай ғам-ташвиш ва тангликдан чиқиш йўлини (пайдо) қилади, уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради”.**

Абу Довуд, Аҳмад, Табароний ва Ҳоким ривояти.

Қийин дамларда дуога янада кўпроқ эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади:

“Албатта дуо тушган ва тушмаган нарсаларда фойда беради. Шундай экан, эй, Аллоҳнинг бандалари, сизлар ўзингизга дуо қилишни лозим тутинглар”.

Термизий ва Ҳоким ривоят қилган.